

**Collaboration of the film director with the make-up artist**

**Сотрудничество режиссёра с гримером**

**Кино режиссёрнинг гримёр билан хамкорлиги**

**Дилафруз Тангриева,**

**Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти**

**“Драматик театр ва кино санъати” кафедраси**

**доценти**

**Аннотация:** Ушбу мақолада кино режиссёрнинг гримёр билан ишлаш жараёнидаги хамкорлик ишлари, актёрлардаги характер ва образ топишларида гриёрнинг ўрни бекиёслиги, ундан ташқари гримёр ишлаш жараёнида албатта сценарий билан тўлиқ танишиб чиқган холда ҳар бир актёр образи устида ишлашда режиссёр билан маслаҳатлашган холда ишлаш кераклиги ёритилган.

**Калит сўзлар:** Режиссёр, гримёр, кино, актёр, образ, характер, сериал, кадр, сёмка, либос.

**Аннотация:** В данной статье написано о сотрудничестве кино режиссёра с гримёром, в подготовительном переуди гримёр должен прочитать сценарий и находить характер каждого героя и фантазировать каждый образ и конечно же, показывать и согласоваться над каждым эскизом образа с режиссёром итоговую точку образа ставит режиссёр об этом и прочее мы можем познакомится в этой статье.

**Ключевые слова:** Режиссёр, гримёр, кино, актёр, образ, характер, сериал, кадр, сёмка, костюм.

**Annotation:** This article is written about the collaboration of a film director with the make-up artist: in the preparatory stage, the make-up artist must read the script and find the character of each character and fantasize each image and, of course, show and agree on each sketch of the image with the director; the final point of the image is set by the director about this and we can get acquainted with the rest in this article.

**Key words:** director, make-up, artist, image, character , cinema, actor, series, frame ,filming ,costume.

Бугунги кунда давлатимиз тамонидан санъатга булаётган эътибор биз санъат ахлига маъсулиятни янада кучайтиради. Дунё санъатида кино соҳаси ривожланиб бораётган бир вақтда , Ўзбекистон Республикасида ҳам қатор тарихий сериал ва кинолар суръатга олинди, Булардан “Баходир Ялангдош”, “Илҳақ” “Аёл мақри ” ва бошқалар бундан ташқари Туркия Республикаси билан хамкорликда ишланган “Жалолиддин Мангуберди” сериали ва хозирда иш жараёни кетаётган хамкорликдаги “Алишер Навоий” кинеоларини айтиб ўтишимиз керак бўлади.

Режиссёр – французча сўз бўлиб, “бошқараман” деган маънони англатади. Аслида ҳам бу касб эгасининг фаолияти санъат ва маданият соҳасидаги жуда кенг кўламли ва серкирра раҳбарлик, раҳномолик, бошқарув ишлари ва ижодий ишлар билан боғлиқ бўлиб, жамиятда катта мавқега эга.

## THE MULTIDISCIPLINARY JOURNAL OF SCIENCE AND TECHNOLOGY

### VOLUME-4, ISSUE-11

Режиссёrlар кино ёки сериал устида ишлаганда гримёр билан ҳамкорлиги олинаётган фильмнинг бошидан бошлаб уйғун холда ишлайди. Фильмлар қисмига қараб режиссёр хохласа бошидан, хохласа охиридан ёки ўртасидан бошлаб съёмка жараёнини бошлаши мумкин. Спектаклда бундай қилина олинмайды.

Танланган актёр фильм пайтида семириб кетиши, ёки жиддий сабаб бўлмаса ўзгариши мумкин эмас. Гримёр фильmdа мана шу жихатларга диккат билан эътибор беради. Фасл ўзгариши, образнинг ижродаги кайфиятига қараб, чарчоқ холати ёш ёки қариган холатини гримёр усталик билан ишлаши зуур. Фильмда иш жарёни бугун 3-қисмдан бошланса, эртага 10-қисми олиниши мумкин. Энди 3 қисмда қилинган грим 10 қисмда тубдан ўзгаради. Иккала қисмда ҳам хар хил гримда ишланади. Яна қайтиб 3 қисм ишланадиганда гримёр мана шу жойда хато қилишга хаққи йўқ.



Расм 1:Сериал жарёни грими

Салбий қахрамонлар фильм бошида уни ижро этаётган роли салбий эканлигини режиссёrlар бермайди. Гримёр гримни ижобий қахрамонларнидек бошлайди. Кадрдан кадрга ўтишда грим хатолари билинмаслиги керак. Чунки бугунги кун томошабини ўта зийрак.

Яна бир мисол: фильмдаги икки актёр бир бири билан тортишадиган саҳнаси бўлиши мумкин. Шу саҳна бугун олинади. Орадан кунлар ўтиб, бу саҳна актёрларнинг уйига қайтиш саҳнасига уланади ва давоми олинади. Гримёр “тортишиш” саҳнасида актёрларни грими устида ишлаганда соchlари тўзиган, лабининг бир четида тарсакидан қолган қон ёки юзда шилинган ёки кўкарған қилиб ишлаган эди. Уйга қайтиш саҳнаси орадан 5 кун ўтиб олинган бўлса ҳам актёрлар гримини бошқатдан худди ўша кунгидек қилиб ишланиши зарур. Акс ҳолда гримдаги камчилик кўриниб қолади. Бундай камчиликларни кўплаб фильмлада кўриш мумкин.

Гримлар фильмларда гримёрнинг маҳоратидан келиб чиқиб ишлайдики, актёрни таниб олиш мушкул бўлади. Спектакль эса умуман бошқа жараён. Пьесани пухта ўрганиб чиқсан режиссёр уни саҳналаштириш плани устида ишлар экан, спектаклни ташкил этувчи

## THE MULTIDISCIPLINARY JOURNAL OF SCIENCE AND TECHNOLOGY

### VOLUME-4, ISSUE-11

элементлар, хусусан спектаклни бадий безаш устида ҳам фикр юритади. Бадий безашга декорация, нур, музыка ва шовқин, либос, грим, реквизит ва бутофорлар киради.

Режиссёр ва рассом пьеса материали асосида чукур ижодий ишлари ҳамма вақт кутилмаган ва таъсирли ечимларни түғдиради. Режиссёр спектаклнинг ташки кўриниши тўғрисида рассом билан сухбатлашар экан, у рассомни баъзи бир ролнинг режиссёрга талкини билан ҳам танишитиради. Режиссёр ҳар бир образни қандай кўз олдига келтиришни ва ижроидан нималар талаб қилинишилигини рассомга тушунтиради. Рассом ҳам ўз навбатида спектакль қатнашувчиларининг ташки кўриниши, жисмоний тузилиши, юзини, улар ҳаётини, темпераментини, ўзларини тутабилиши, килиқларини билиши ва репетиция жараёнида ўрганиши зарур. У рассом сифатида юқорида айтилганларни ўрганнар экан, уларнинг ҳаммасидан пьесадаги роллар учун ўзига фойдаланади. Иккинчи томондан либос ва гримлар бўйича эскиз тайёрлаётган рассом репетицияларга қатнашиши, ижроичилар томонидан образлар учун топилаётган янги янги талқинларни кўриб, кузатиб бориши керак. Рассом режиссёр режасини тушиниб етса у билан ҳамкорликда ишласа, унинг либос ва грим устидаги иши уйғунликда боради.

Кўпинча режиссёrlар рассомга ташки безак, либос ва гримни тушириш учун, ўша спектаклда ифода этилган даврда яшаб, ижод этган санъат асарларига мурожаат қилишади. “Режиссёр гоҳ замонавий, гоҳ классик пьесаларни саҳналаштиради экан рассомдан ўша даврга мос, ўша давр характерини очиб берувчи ранглардан фойдаланишни талаб этади. Шунинг учун режиссёр олдин ўзига ролларнинг режиссёргача талқинини аниқлаб олиб, кейин рассом гримчи билан сухбатлашади. Бу гаплар грим ва парик эскизларини тайёрлашга ҳам таълуқлидир. Рассом гримчи бу анжомларни тайёрлар экан, ижроичиларнинг юз тузилишини ўрганиши зарур.

Кинода фильм образларини ифодалаш бадий реалистик талқини режиссёр ва гримчининг ҳамкорлигига боғлиқдир. Бу албатта тарихий фильмларга кўпроқ алокадордир. Гримчи рассом фильмни суратга олиш жараёнининг барча босқичларида ҳамкорликда ишласа, жамоага катта ёрдам берган бўлади. Гримчи билан режиссёр ҳамкорлиги сценарийни ўқиши давридан бошланади. Юқори тажрибага эга гримчи актёрлар танловида қимматли маслаҳатларини беради. Чунки, гримда портрет ва характерли гримлар билан ишлашга тўғри келади. Унинг қимматли фикрларини режиссёр томонидан инобатга олиниши актёрни ташки қиёфасини ўйланган образга мос келишини ва уни грим билан бойитилиши яратилажак образни яратилишига замин бўлади.

Гримёр режиссёр билан кино тасвирни барча жараёнида иштирок этиш мақсадга мувофиқдир. Гримчи режиссёrlарни характерини билиши ва режиссёrlарни ўз навбатида гримлаш хусусиятини яхши ўзлаштирган бўлиши керак. Кинода вақт ва персонаж-қаҳрамон ҳар хил кўринишда ўзгаришлигини яъни, ёшлигидан қариганча бўлган босқичларни тасвирга туширилса, гримчи учун катта маъсулият юклайди. Режиссёр ва гримчи қаҳрамонни ташки, ўзига хос индивидуал хусусиятини кичик саҳналарда (эпизодларда) ифода этишда икки хил иштирокчиларнинг ёшлари бир хил бўлса, иштимоий ўрни ва бошқаларни грим қилишда ҳар бирини ўзига хослик қиёфасини топиш керак бўлади.

Инсонда эътиборли воқеалар ҳаётида, унинг ташки кўринишида ўз ифодасини топади. Шу боис тасвирга олиш вақтида янги янги деталларни гримчи топиши керак. Бу

## THE MULTIDISCIPLINARY JOURNAL OF SCIENCE AND TECHNOLOGY

### VOLUME-4, ISSUE-11

яратилаётган образни ҳаққонийлиги ва ифодавийлиги акс эттиради. Бу яратилаётган асарни бадиј јхлитлиги таъминловчи жамоа ишининг бир бўлгаги ҳисобланади.

Гримёр оператор билан ҳам ҳамкорликда иш олиб боради. Рассом-гримёр агар операторнинг кадрларда қандай ёруғлик қўйиш санъатидан хабардор бўлмаса, у ҳеч қандай мувофақиятга эриша олмайди.

Свет ҳам грим каби ифодавийли хусусиятга эга бўлиб, нафакат образни ташки хислатларини очишга ваammo ички эҳтиросли ҳаёт, темперамент, эҳтиросни юзага чиқишида ҳам қимматли вазифани ўтайди.

Оператор (свет) нур орқали эпизодни “кайфиятини” кўтаради ва инсонни руҳий ҳолатини очиб беради. Режиссёр кинонинг барча кечинмаларини оператор орқали тасвирга туширади. Оператор ва гримчининг ҳамкорлиги бўлмаса иш натижаси паст бўлади.

Бош рассом ва рассом-гримчи ўртасида ижодий ўзаро тушиниш бўлиши керак. Бундан ягона стиль таъсир воситаларни ўзаро ягона стили яратилишида асосий боғликлиги оқибати натижасидир. Бундай жараён тарихий фильмлар учун жуда муҳимдир. Ҳар бир даврнинг ўзига хос ўз стили бўлиб, у архетектурада, костюмда, майишший предметларда, турмакларда (соҷ) ўз ифодасини топади.

Грим танлашда тарихий ҳақиқатни юзага келтиришда костюм, декорация, тўғри шарт-шароит топишда (ҳозирги давр фильмларидағи “атмосферани” яратишда) тарихий манбада ёрдам беради.



Расм2:“Тез ёрдам” сериали грим жараёни

Хулоса қилиб айтганда, умумий ишда актёр режиссёр, оператор, гримчи-рассомларнинг ҳамкорлиги ва уларнинг муштаракликдаги иши бадиј јхлит санъати асарини яратишдаги асосий мезондир.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Жалилова Ф. Соч турмаклаш санъати. 2015 йил.
2. Жалилова Ф. Грим. 2018 йил.
3. Жуманиязов Ш.Р., Ҳайтов Э.Х. “Чизматасвир” Ўқув қўлланма. 1 босқич талабалари учун. “Инфо Сапитал Гроуп”, Т.,: 2018 й. 88 б.
4. Маданият ва санъат атамаларининг изоҳли лугати. Б.С.Сайфуллаев таҳрири остида. – Тошкент: Фоғур Ғулом, 2015.352-б.